

Ҳимоят НАЗАРОВА

ДИЛ ЧИРОҒИ

(Шеърлар)

Урсанч - 2008

84(59)6-5



Ҳамоят Назарова

*Сирдарёлик муаллима-шоира
Халқ таълими аълочиси.
Олий тоифали ўқитувчи «Дил чироғи»
унинг 6-шеврий тўплами.*



ДИЛ ЧИРОҒИ

Удир борлиқнинг ҳаёти
Удир орзулар қаноти
Удир эзгуликлар оти
Дил чироғи



Ватан аталмиш имонинг,
Оила деган қўрғонинг,
Онаизор меҳрибонинг -
Дил чироғи

Зулматларда зиедир у
Ҳам меҳрли дунедир у
Билсанг, ишқда вафодир у
Дил чироғи

Қалбингга ин қурган хикмат,
Фарзанд деган буюк неъмат,
Сенга бўлган олий ҳурмат -
Дил чироғи

Муҳаббатла боққан нигоҳ,
Ночор учун бир бошпаноҳ,
Оламнинг сарвари оллоҳ -
Дил чироғи

Она учун улуғ ният,
Мардликнинг кучи - орият,
Шоирларга-чи, шеърят -
Дил чироғи





МАРҲАМАТИНГ ДАРИҒ ТУТМА, ОЛЛОҲИМ

Замона сўрадим эртаси порлоқ
Замондош сўрадим ниятлари оқ
Сўрадим, яшайлик ғам кўрмай мутлоқ
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.



Сўрадим, туғилсин соғлом чақалоқ
Ақл деганлари бўлсин шамчиरोқ
Маърифат элимга абадий байроқ
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.

Сўрадим софликка йўғрилган имон
Ҳалол бунёд бўлган тўкин дастурхон
Остонаси нузли, файзли хонадон
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.

Сўрадим, одиллик бўлсин ҳукмрон
Ишонч, умидлари сўнмаган макон
Қуёши чарақлаб тургувчи осмон
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.

Сўрадим, мен якка сенга қул бўлай
Ортагини етаклаган қул бўлай
Ҳурмат қилиб, ҳурмат топган эл бўлай
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.

Сўрадим, аждодлар руҳи қўлласин
Ойдин манзил томон оқ йўл тиласин
Кўрғонимда эркнинг бўйи бўйласин
Марҳаматинг дариг тутма, оллоҳим.





СЕНГА САВОБ ЁЗИЛГАЙ

Ватан бўлса ардоқлаган кароғинг
Зиё бўлса улашгувчи чироғинг
Имон бўлса бир умрлик ўртоғинг
Сенга савоб ёзилгай.



Ердан олиб қўйсанг тушган увоқни
Етакласанг кўзи ожиз ҳамроҳни
Ажратолсанг савоб ила гуноҳни
Сенга савоб ёзилгай.

Мусофирга қўноқ бўлган кунингда
Бемор билан ўтказган бир тунингда
Қолмаса миннатинг оға-инингда
Сенга савоб ёзилгай.

Ота-онанг ризо бўлиб юмса кўз.
Хаста чоғи аямасанг ширин сўз
Давлатингдан томса жиндек нону туз
Сенга савоб ёзилгай.

Саховатинг билан етимга боқсанг
Садоқатинг билан ёринга ёқсанг
Тоқатинг билан халқ мавжида оқсанг
Сенга савоб ёзилгай.

Эл ҳикматин кўзларингга суртиб юр
Ҳалолликнинг этагидан тутиб юр
Яратганни юрагингга битиб юр
Сенга савоб ёзилгай.





АРМОН ДЕГАНЛАРИ ШУМИКАН
Онамга бағишлайман

Уйим тўри бўм-бўш қолдику
Соғинчлардан рухим толдику
Умидсиз дард ўтга солдику
Армон деганлари шумикан



Айтишарлар, умидли дунё
Қани унда мен кутган рўё
Илинжларим фарқ бўлган гўё
Армон деганлари шумикан

Тўйлар қилдим, тўйбошим қани
Маслаҳатгўй, йўлдошим қани
Ўйланганда ўйдошим қани
Армон деганлари шумикан

Тирик бўлса, бағримга боссам
Дардларимни нимталаб оссам
Тўйиб-тўйиб қўйнида ётсам
Армон деганлари шумикан

Тушларимда бошимни силар
Ўлсалар ҳам бахтимни тилар
Оҳ, ичимнинг бир чети йиғлар
Армон деганлари шумикан

Ёрим дедим, болам деб куйдим
Рўзғор ташвишларидан тўйдим
Гоҳ онамни унутиб қўйдим
Армон деганлари шумикан



Яхши кунлар кўксим тилинди
Не бўлса, онамга илиндим
Уларнинг йўқлиги билинди
Армон деганлари шумикан

Ғойибона кўтарар кўнглим
Демак, руҳи мададкор, билдим
Тирик бўлиб мен нима қилдим
Армон деганлари шумикан.



Зиёратлар қилсам қабрини
Ҳали-ҳануз тинглар дардимни
Жуда кеч англадим қадрини
Армон деганлари шумикан

Кўш-қўш уйлар топдим, чароғон
Давлат топдим, лекин дил хуфтон
Сизни қайдан топай, онажон
Армон деганлари шумикан.

МЕҲР БЎЛСА АФСОНА

Ташландиқ кучукча ўлиб қолибди,
Ниҳол ташналиқдан сўлиб қолибди,
Кимнинг паймонаси тўлиб қолибди,
Наҳот меҳр бўлди афсона.

Отанинг қаҳридан йиғлади бола,
Совуқ нигоҳлардан туғилди нола.
Бошларда кўпайди қировли тола,
Демак меҳр бўлди бегона.





Анов ота-она қолибди қариб,
Яшашлари нечун бунчалар ғариб.
Кимларни кутарлар ранги сарғайиб,
Меҳрсиз кул босган файзсиз остона.



Ётга айланяпти бугун қариндош,
Дили сиёҳ она кўзларида ёш.
Дардинг тингламоққа топмайсан сирдош,
Балки меҳр деганлари ёлғон-а.


Йиқилганни ҳеч ким суямади ҳам,
Дардлига бўлгиси келмади малҳам.
Окибатга эса тор келди олам,
Меҳрсиз диллардан қалбим вайрона.

Мухтожларга ёрдам қўлин чўзмади,
Бечоранинг оҳи кўнглин эзмади.
Раҳм истаб турган дилни сезмади,
Меҳрдан ваъз айтмоқ ғирт аҳмоқона.

Мунгли термулиб турар етимхона,
Тиланчилик қилар фақир девона.
Қаровчисиз ўксир бир шўр пешона,
Ох, меҳрсиз дунё мудҳиш ғамхона.

Озорнинг баҳоси бўлдимиз арзон,
Зулмнинг бозори бўлдимиз чаққон.
Шафқатни унутиб қўйдимиз инсон,
Меҳрга муҳтожми энди замона.

Дунёнинг кўзида кўрмай десанг нам,
Бил, замоннинг ўзи бир олий ҳакам.
Эзгуликдан пойдевор қилиб маҳкам,
Меҳрдан ғишт қалаб, қургин кошона.





ПОРА БЕР, ПОРА
(Киноя)

Баъзи «ишнинг кўзин» биладиганлар,
Шу тартибга амал қиладиганлар,
Ўргатдилар менга бир чора
Секингина пора бер, пора.



Айтарлар, порасиз ҳеч ишинг битмас,
Мушук ҳам текинга офтобга чикмас,
Ишинг битиришда агар овора
Бўлмай десанг, пора бер, пора.

Топмоқчи бўлсанг гар бирор ноёб мол,
Галларим, азизим, эслагин дарҳол,
Порахўр ўзи ҳам қилар ишора
Шунда тезда пора бер, пора.

Тушунганлар хўп тўғри айтар,
Қуруқ қошиқ оғизни йиртар,
Бўлиб қолмай десанг бечора,
Содда бўлмай, пора бер, пора.

Ўқимоқчи бўлсанг гар олийгоҳда,
Билиб қўй, айниқса ҳозирги чоғда,
Яширинми, хоҳи ошкора,
Иккиланмай пора бер, пора.

Соғлигингдан нолиб, гар оғриб қолсанг,
Шифокорга ишинг тушиб йўл олсанг,
Тезроқ тузалайин десанг сен зора
Ўйланмасдан пора бер, пора.





Излар босилади, билсанг ёғиб қор.
Ҳар қанча бўлсанг, ҳам агар гуноҳкор,
Атамайдиг сенинг қилмишинг қора,
Айбинг даф қилишар, пора бер, пора...



Мен ҳам унга бердим битта маслаҳат,
Бундай ишинг бир кун келтирар офат,
Ўшанда бўзланиб қолсанг дилпора
Бариси бир пулдир, минг бергин пора.


ЮЛҒИЧНИНГ ПУЛГА ДЕГАНЛАРИ

Сен учун сотаман ҳатто виждонни
Орзу қилиб катта-катта ҳамённи
Азоблайман юзу, минг битта жонни
Менман таъмагир

Сенсиз ахир ишлар битмас бу замон
Сен талаш, ўртада йўқолди имон
Дунё алғов-далғов гўё жанг майдон
Менга бари бир.

Инсондан қадринг зўр бамисли осмон
Юракнинг тўрида турасан ҳар он
Сен борсан, демак бор бойлик, шараф-шон
Сенда кўпдир сир.

Кўлим етар сенла билсанг ҳар қаён
Уйимнинг зийнати, тўкин дастурхон
Йўлим тўсканларни қиласан бир ён
Ўзингга шукур.





Хоҳласам барчага бўламан султон
Чунки сен таянчим. сўяйсан шул он
Шунинг учун сенга ҳирс қўйдим, ишон
Виждоним яғир.

Дерлар: пултопарнинг бозори чаққон
Шул сабаб бўлдим мен туби йўқ ўпқон
Қилмишим бир кўни қилмасми вайрон
Ох, дардим оғир

ТЎҒРИ СЎЗНИНГ ТЎҚМОҒИ БОР

Иллатларнинг доми ёмон, қайтинг дедим
Билмадингиз, душманларга айландим мен
Тўғри сўзга ўч олмоқми, айтинг дедим
Ноҳақликнинг чилвирига боғландим мен
Ўзларини гул деб билган зирапчалар,
Мунча ёмон захрингизнинг аччиқлари
Аламларнинг ўти ёмонда шунчалар
Тўлғонасиз, бўлмаган юрак санчиклари
Гапларим ё эгасини топдимикан
Талвасага тушиб бунча ёнасиз-а
Аччиқни аччиқ кесгани ё шумикан
Дилда икрор, тилингизда тонасиз-а
Тўғри сўзнинг тўқмоқлари ёмон-ёмон
Тўғри юринг демовмидим сизга, ғаним
Гуноҳқорсиз, шеърларимга бўлиб нишон
Йиғладингиз, охир бўлди ўйлаганим.







СОТИБ ОЛОЛМАЙСАН!

Бордур шундай неъматлар бозорларда сотилмас,
Давлатинг зиёдаю, ҳеч манзилдан топилмас
Будир олтиндан қиммат бахт ҳамда тансихатлик.
Нархин белгилаб бўлмас аҳиллик, ҳамжиҳатлик.
Қани сотиб олиб кўр ақл ва заковатни,
Савдолашиб бўларми оқибат, саховатни.
Тортиқ кила олмайсан, сабр ила тоқатни,
Бой бўл, синдиrolмайсан дунёда ҳақиқатни.
Билиб кўй, бебаҳодур қалбингдаги эътиқод,
Ҳамёнингдан устундир оллоҳ берган истеъдод,
Тарозига кўйиб кўр ғайрату шижоатни,
Ҳеч қайси тош босолмас инсоф ҳам диёнатни.
Дилингдаги покликдан топгайдирсан эътибор,
Эл ҳурмати олийдир, обрў сўзи мўътабар,
Пул билан ололмайсан меҳр ва муҳаббатни,
Минг изла тополмайсан вафо ҳам садокатни.

ОҒОҲЛИК ЯХШИ

Дўстим, хушёр бўлиб бос қадам
Гуллар ичра ўсар тикон ҳам
Тиконларнинг захри ёмондир
Ёмонликнинг қаҳри ёмондир
Душманликнинг кичиги бўлмас
Ниятига етмаса ўлмас
Даф қилмасанг вақтида уни
Йўқ қилиши тайиндир сени





Шовуллаган бепоён ўрмон
Гугурт чўпдан бўлади хазон
Кўзларинг оч, кичкина атом
Ер шарини қилади тамом
Ўз ичидан бошланса тўфон
Кутуради тинч-сокин уммон
Эҳтиёт бўл маккор макридан
Ичингдаги илон захридан
Бўлмай десанг беҳуда увол
Огоҳликдан ушлагин қурол
Заволингдан қувонган шайтон
Бу ҳаммадан қўрқинчли инсон
Душманингни кўздан қочирма
Дўст бўлар деб бошинг қотирма
Кулиб туриб елкангдан оша
Пичоқ уриб айлар томоша
Ўлдирмасанг, кичкина чаён
Етказади каттакон зиён
Учқун албат олар аланга
Фаним пойлаб ўтади жангга
Бепарволик - иллат, билиб ол
Лоқайдликдан топасан завол
Зиё бўлиб қалбингда чирок
Адолатдан ясагин тўқмоқ
Ҳамда бўлсанг доимо огоҳ
Панд беролмас биронта гўмроҳ
Бедор бўлгин, бўл эҳтиёткор
Оллоҳ шунда бўлар мадақкор







МАНА БУНИ МАЖЛИС ДЕРЛАР

(Киноя)

«Дабдабали» мажлис чўзилди тоза
Бемаъни ваъзхонлик эзилди роса
Хушомадлар янги раб қайси қаззобга
Мажлисдан кутганим чикди саробга
Хушомадгўй экан роса бақирок
Олди-қочди сўзлар усти ялтирок
Бошлиққа таъзимла сўзлар «нотиклар»
Аслида минбардагина «содиқлар»
Кераксиз олқишлар асабим еди
Ноўрин қарсақлар жонимга тегди
Кимдир гаши келиб лаби буришди
Кимдир кошин кериб, афти буришди
Ҳақни гапирганлар бўлди сур-сур-а
Сўзлаб, маломатга қолди бечора
Иллатлар айтилмай, ўтарди фурсат
Бунингчун ҳеч кимда йўқ эди журъат
Қайдан эшитилар шивир-шивирлар
Қайдандир келади қикир-қикирлар
Китоб ўқиб мазза қилар аллаким
Қайсидир амаки ҳаёл сурар жим
Кечаги кинони сўзлайди кимдир
Бир қизга гап отар анави шилдир
Хуррак ҳам отяпти манов сепкилли
Кечаси ухламай чиққан шекилли
Адашиб қўлимга тушган қоғозни
Ўқисам, «Ошиқ»нинг экан дил рози
Кўзгуга маҳлиё бўлар ҳов жувон
Кимдир нонуштани қилмоқда шу он
Галстукли йигит зур «рассом» экан
Чизгани одамми е ҳайвонмикан





Зерикиб эснайди кекса бир киши
Ўйлантирар уйда қолган юмуши...
Нимасини атай, вақт ўтар бекор
Чиқиб кетолмасдан кўпчилик ночор
Бу мажлис жонимнинг эгови бўлди
Иймон-этиқоднинг синови бўлди
Гўё ҳаво етмай бўғилдим қолдим
Ахир бу мажлисдан мен нима олдим
Ундан кўра.... Чиқиб жўнадим шу чок
Тоза ҳаво олайн тезроқ.

АЛАМ ҚИЛСИН

Кетмасимдан ортимдан сен ёмон дебсан
Айтганларимни рост эмас, ёлғон дебсан
Юришларим куйдирдими, алам қилсин
Дейишларим куйдирдими, алам қилсин

Ҳой бечора, нега бунча ичинг қора
Тошлар отиб бўлмадингми кўп овора
Чоҳ қазиб йиқитолмадинг, алам қилсин
Минг чираниб етолмадинг, алам қилсин

Минг югуриб қолиб кетдинг, манглайи шўр
Менинг эса зўрлигимни бир келиб кўр
Кулиб туриб жонинг олдим, алам қилсин
Мулойимла жойинг солдим, алам қилсин



Аламлардан ёнасан сен, мен бепарво
Ёмонларга худо ўзи берар жазо
Туришларим куйдирса ҳей, алам қилсин
Юришларим куйдирса ҳей, алам қилсин.




АФСУС




Атрофида юрдинг айланиб
Ерим бўлгин дединг шайланиб
Отасининг амали курсин
Шу сабабли қолдинг бойланиб
«Яхшигина» ишга жойланиб
Юравердинг оғзинг мойланиб
Билмай қолдинг босар тусаринг
Ишларинг ҳам қолди лойланиб
Бир кун берк кўчада ўйланиб
Дардинг яширолмай, сўйланиб
Муҳаббатсиз бўм-бўш қалб билан
Яшаяпсан энди қийналиб

ТОПИШ



Сени топдим, энтиқди дилим
Муҳаббатнинг тафтида ёндим
Бахт юлдузи ёритди кўнглим
Дунёларга сиғмай қувондим
Умидларим тортқилаб кетди
Ширингина ишқнинг домига
Кундан кунга фарқ бўлар эдим
Ҳиссиётлар тўла жомига
Юрагимга малҳамим эдинг
Ўзинг эдинг жаҳонда танҳо
Тушларимда ҳамдамим эдинг
Жоним ичра ўзинг бебаҳо
Висолингдан маст эдим, билсанг
Яшар эдим қизғаниб сени
Мен розиман майли не қилсанг
Фақат ёлғиз қолдирма мени.





ЙУҚОТИШ

Кувончларим дарз кетди бир кун
Муҳаббатнинг тори узилди
Хиёнатнинг тошлари бутун
Тегиб, ишқнинг қасри бузилди
Бахт деганим айланиб ғамга
Топганларим сароб бўлдим
Қандай чидай бундай ситамга
Қолган умрим азоб бўлдим
Умидларим чил-парчин қилиб
Нафратимга бўлдингку дучор
Йиғляпти қадрим тўкилиб
Айтгин, менда нима қасдинг бор
Қийналсада вайрона дилим
Энди сени изламай кўйдим
Кўмсаса-да садпора кўнглим
Аста-секин эсламай кўйдим.



ТҮРТЛИКЛАР

Тўғри сўзларингни тушунганга айт
Ёмондан ёхшилик кутмоқликдан қайт
Айтгин, қачон ҳайвон гапингни уққан
Қайси шайтон ахир фаришта тукқан.

Дўст қидириб топмасанг асло
Ажабланма бундан мутлақо
Фақат гадо эмас гадо душмани
Чунки қолганларнинг дўстлари қани

Қаҳратоннинг совуқ нафаси
Саратоннинг жазирамаси
Иккиси ҳам малолдир жонга
Асли нима ёққан инсонга

Гарчи бу дунёда барча гуноҳкор
Ким тан олар менман деб айбдор
Ўзин хунуқлигин билмайди бақа
Дунёнинг ишлари ўзи шунақа

Даҳшати кучлидир момақалдирок
Фойдаси нимадир билмадим, бироқ
Камтар қуёш сокин нур сочиб яшар
Ундан яшамокни ўрган, биродар.



ТУРТЛИКЛАР

Озор берган топади озор
Меҳр берган меҳр кўради
Дунё ўзи одил ҳукмдор
Ҳар ким экканини уради

Кўрмаганнинг кўргани курсин
Ҳар ким ўзин ҳолида юрсин
Заҳдан чиқиб қуруқлик ерга
Ғашга тегиб сакрайди бурга

Ғарчи мағрур тунда ой нодон
У илиқлик бера олмайди
Қуёш ботсин ҳар кеч уфқ томон
Лек эзгулик қадри ўлмайди.

Турмуш дардларини кўриб шукур қилдим
Ҳаёт гардларини кўриб фикр қилдим
Хом сут эмган банда деганлари рост
Кўриб туриб қайси ишда куфр қилдим.

Ерга боқиб юришни ўрган
Қайси манман эҳтиром кўрган
Ё бўлмаса бирор дўнг жойда
Айт-чи, қачон томчи сув турган.







МАҲАЛЛАМ

Бола эдим, айтарди онам:
«Ўз уйингни севгин сен доим»
Таъкидларди: Остонанг, болам,
Бу - Ватаннинг бошланиш жойи
Бола эдим, етаклаб онам
Маҳалладан ўтарди ҳар дам
Таъкидларди: «Маҳалланг, болам,
Бу ҳам сенга кичик бир ватан»
Улғайганим сари бу сўзни
Яна чуқур англамоқдаман
Шу тупроқда таниб-да ўзни
Ва қалбимни тингламоқдаман
Гурс-гурс уриб сўзлар юрагим
Ватан сенинг бахт юлдузингку
Обод қилмоқ бўлса тилагинг
Имонинг соф, ёруғ юзингку
Қайга борсанг фахрла ёниб
Бийрон-бийрон айтган сўзингку
Кучоғида меҳрига қониб,
Кувонч тўла боққан кўзингку
Тупроғингни кўзга сурайми
Тафти дилда меҳр уйғотар
Қалб кўримга сени ўрайми
Сенда ахир ҳар тонгим отар
Энг аввало сенда азизман
Доно қилган ақл бешигим
Тузингни еб улғайган қизман
Чиксам, яна кирар эшигим
Нима қилдим равнақинг учун
Шижоатла терлар тўкмасам
Фарзандларим ўсган заминга
Биттагина ниҳол экмасам



Тозалигинг шону шарафим
Обод бўлсанг, кўксимиз осмон
Дарахт экмоқ яхши тарафим
Боғи борнинг эли фаровон
Муҳаббатим битта сабаби
Сенда болам тинглади аллам
Сен ҳаётим кичик мактаби
Ардоғимда бўлгин, маҳаллам
Маҳалладошим-елкадошим
Кўчамизни гулга ўрайлик
Кўлни қўлга бергин йўлдошим
Гард юқмасин, посбон турайлик.

ШИРИН ТУШ



Яшар эмишман шоду хуррам,
Эзгуликлар мамлакатида
Ҳар бир куни саодат, байрам
Диёнатнинг салтанатида.
Инсонларин фазилати кўп,
Халқпарвармиш раҳбарлари хўп,
Бир-бирига ҳамма мададкор,
Бунда ҳеч ким юрмасмиш бекор.
Қизлар эмиш жуда ифбатли.
Бекаларнинг қўли лаззатли.
Йигитлари мағрур ва ботир
Ақллари ҳар ишга қодир.
Меҳр мўлмиш ушбу жаҳонда
Муаммо йўқ ҳеч хонадонда
Муҳаббатда яшар ҳар одам
Имон экан уларга ҳамдам
Ҳиёнат не, бандаси билмас.
Ҳеч қайси қўл эгрилик қилмас.





Пора деган тушунчалар йўқ
«Катта»лари сира урмас дўқ,
Халқи сира сўзламас ёлғон.
Гуноҳ экан гийбату бўхтон
Қизиқтирмас амал, шуҳрат, тахт
Инсонийлик экан олий бахт
Уларга ҳалоллик экан ер,
Хар жабҳада савоблар бисёр
Бекам экан бу ажиб дунё
Бойликлардан устунмиш зиё
Бекаму кўст ушбу оламда
Умид, ишонч бор хар одамда
Ноҳақлик йўқ. йўқ бунда ночор
Эли яшар хурсанд, бахтиер.
Бахтдан бошим айланар эмиш.
Юрагимга сифмаиди севинч.
Айтаверсам сира тугамас
Жаннатда ҳам бундайи бўлмас,
Кўзим очсам... бошдан учди ҳуш.
Кўрганларим экан ширин туш.

БУНИ ИШҚ ДЕЙДИЛАР

(Буюртма шеър)


Не бўлди, бўйсунмас қалбим ўзимга,
Фурурим вужудим олдида эрмак.
Эҳтирослар қалқиб чиқар кўзимга,
Ажиб бир туйғулар сўзлашар эртақ.
Нелар истар кўнглим, кўзларимга бок,
Кўзларим-қалбимнинг кўзгуси тиниқ.
Нетай, тинчим сира тополмас қуноқ
Интизор юрагим ким адир интиқ.







Безовта руҳимга топмайман чора,
Севгидан сўзлашса бўламан пайдо.
Сиримни сақлолмай қилгум ошкора,
Демак, бўлганим рост кимгадир шайдо.
Шохми, гадолигин тан олмаган дард,
Изтироб домига тортиб боради.
Бу нима бахтмикан, ё қалбимга зарб,
Ширин қийноқлари ортиб боради.
Ўтли нигоҳлардан кўзларда учкун,
Бир олов тафтидан куйиб боряпман.
Ё раб, не ҳисларга бўляпман тутқун,
Кимнидир кун сайин суйиб боряпман.
Кўзларим жонсарақ қидирар уни,
Нима, у ҳаммадан яхши эканми.
Ҳаловатсиз қолди ҳар кун, ҳар туним,
Билмам, учратганим гулми, тиканми.
Унинг сеҳри кучли, мен-чи, ожиза,
Уни мен кабилар тушунар фақат.
Дилимга ўрмалаб кирган мўъжиза,
Номини аташар экан муҳаббат.

ЙИҒЛАР





Хиёнатнинг оғусини тотган бир санам йиғлар
Қалбида нелар кечмоқда, ё аччиқ алам йиғлар
Қароғидан томган томчи ялтирар ёноғида
Гўё хазон бўлган гулнинг юзида шабнам йиғлар.
Санам дەر: «Зафарон бўлдим бевафолик дардидан
Дилозорим тарк этган уй, зимистон хонам йиғлар
Не қилай, топталди қадрим ёлғонларнинг макридан
Тунлари ёстигим дардқаш, бағримда болам йиғлар
Юзим қора, бағрим яра, тополмайин ҳеч чора
Қисматимнинг ишларидан оллоҳга нолам йиғлар»
Санам дардидан Ҳимоят қалбинг бўлди садпора
Энди сен-ла йиғлайди шам, қўлингда қалам йиғлар.



Йиллар ўтиб остонангда ўша дилозор йиғлар
Муҳаббатинг эрмак қилган виждони моғор йиғлар
Ўткинчи ҳисга алмашиб шу муқаддас гўшани
Воз кечиб дилбандидан, энди тирноққа зор йиғлар
Эй санам, меҳринг писанда этмаган ёр ўшами
Сочлари қор, туриши хор, ўзингга интизор йиғлар
Ҳар ёмон қилмишнинг албат муқаррардир жазоси
Биргина сўзингга муштоқ, пойингда хокисор йиғлар
Муз қотган нафратли юрак борми экан давоси
Афсус, муҳаббат боғини тарк этган баҳор йиғлар
Ота меҳрини кўрмаган фарзандлар куйи боши
Иснодларга чидай олмай, бир четда номус-ор йиғлар
Бу гуноҳни кечирмоққа етар кимнинг бардоши
Шу саволга сўз тополмай, Ҳимоят ночор йиғлар.

ХАЗОНРЕЗГИ БУ

Қуёш кўкда бўзариб қолди
Осмон эса тундлашиб олди
Борлиқдан илиқлик йўқолди
Хазонрезги бу.
Табиатнинг сарғайди ранги
Тиниб қолди сувлар жаранги
Жунжиктирар энди ҳар тонгги
Хазонрезги бу.
Об-ҳавонинг тажанг авзойи
Кўзлари ёш мезон ҳар ойи
Қақраб борар атроф чиройи
Хазонрезги бу.
Барглар берар тақдирига тан
Тўкилару, ер бўлар ватан
Эрта қордан бичилар кафан
Хазонрезги бу.



Умримизда бошланса-чи куз
Сўлиб борар ажин тортган юз
Аввалгидай чакнаб турмас кўз
Хазонрезги бу.

Доноликдан бериб нишона
Сочга оқ тушар дона-дона
Шўхликлар ҳам энди бегона
Хазонрезги бу.



Ичингдаги аланга қани
Ўчиб қолди ёшлик гулхани
Қаҳ-қаҳ уриб кулиш бемаъни
Хазонрезги бу.

Энди ғайрат-шижоатинг кам
Беморлик йўқлайди дамба-дам
Кексайган сари кўпаяр ғам.
Хазонрезги бу.

Ўтиб кетди чакмоқ юришлар
Юрагингда муҳаббат қишлар
Эҳ азизим, шунақа ишлар
Хазонрезги бу.

Бедорсану, жисминг бемадор
Кимга муҳтожлик қилар безор
Бора-бора дунё бўлар тор
Хазонрезги бу.

КЕЧИККАН МУҲАББАТНИНГ ИҚРОРИ



Асир бўлдим бир хисга бугун
Лекин орим кўнглимда устун
Шу ёшимда етмади кучим
Битта сўзни айтолмадим мен.



Кеч учратди пешона шўрлик
Айтинг-чи, бу нима кўргулик
Юрак гарчи топсада хўрлик
Кўчангдан ҳам ўтолмадим мен.

Бўлса ҳамки кўнгил сенга зор
Сочим оқи йўлларимда дор
Изтиробда чексамда озор
Кўлларингдан тутолмадим мен.

Ўйларимга топмайман жавоб
Дилим сезар, умидим сароб
Ҳолим эса кундан-кун хароб
Тақдиримдан кечолмадим мен.

Ақлим бўлиб кўнглимга султон
Суратимга сийратим ҳоқон
Иқрор бўлди кўнгил ногаҳон
Саодатга етолмадим мен.

Яшаяпман, ҳамроҳим хижрон
Сенсан қўлим етмаган армон
Қийналсамда қанчалар ёмон
Воз кечиб ҳам кетолмадим мен.





КЕКСАЛИКНИ ТАН ОЛГИМ КЕЛМАС

Сочим оқларини яширгим келар
Рост экан, инсоннинг кўнгли қаримас
Улғайганим ошкор қилар ажинлар
Мен-чи, кексаликни тан олгим келмас

Сохтадек туюлар кулгуларим ҳам
Баъзи қиликларим энди ярашмас
Гарчи шўхликларим топсада барҳам
Мен-чи, кексаликни тан олгим келмас



Юзларим сўлғиндир кўзгуга боқсам
Ёшликдаги каби кўзларим кулмас
Энди мен демасман: «кимгадир ёқсам»
Лекин, кексаликни тан олгим келмас



Давралар тўрида гарчи ўрним бор
Булар менинг учун мартаба эмас
Дил қурғур ёшликни қилади хумор
Нетай, кексаликни тан олгим келмас

Сипо тортиб қолган суратим ҳамон
Ёшларга термулиб қилади ҳавас
Умр одимлайди кексалик томон
Мен-чи, кексаликни тан олгим келмас.

Ёшинг ўтгач, меҳринг ортар жуфтингга
У гарчи ёш йигит, мен олов қизмас
Баъзан эркалангим келади унга
Нетай, кексаликни тан олгим келмас.

Ҳаёт сўқмоқлари қоляпти бир-бир
Ширин ҳаёлларим енимдан жилмас
Ҳали юрагимда кўп яширин сир.
Чунки, кексаликни тан олгим келмас.





Кўзойнак доимий бўлди ҳамроҳим
Баъзи нарсаларни кўзим илғамас
Қизиллик тарк этган энди ёноғим
Лекин, кексаликни тан олгим келмас

Ғаму ташвишларни кўриб қўйди бош
Гоҳо тўй - ҳашамлар кўнгилга сиғмас
Ақлдан тийилиб, бориб қолди ёш
Лекин, кексаликни тан олгим келмас.



•Неварам қаршимда пилдираб юрар
Қалбим орзулардан ҳали чекинмас
Қарилик шарпаси сезилиб турар
Мен-чи, кексаликни тан олгим келмас



БАХТ ДЕГАНИ...

Бахт дегани нима, қани бир ўйла
Шундайин тушунча, қирралари мўл
У мавҳум бир сўзки, билмас формула
Бирок ҳамма яшар унга чўзиб қўл.

Бу саволга бир-бир топаман жавоб
Бугун соғ-омонман, тўрт мучалим бут
Ҳозир имконим бор қилмоққа савоб
Дейман: «Олий бахт шу, уни маҳкам тут».

Рўзғор араваси оғирлик қилмас
Ёстикдошим доим менга елкадош
Ёлғизлик азоби мени қийнамас
Кўриниб турибди, бахт менга йўлдош.





Йўқловчиларим бор, яқинларим бор
Дастурхоним тўкис, ҳар куни меҳмон
Дарвозамда доим пешвоздир дийдор
Буни дерлар бахти кўш-кўш хонадон.



Ўғлим бўйларига ҳавасла бокиб
Ўйлайман, мен унга суянсам бўлар
Демак, қисматимнинг эшигин қоқиб
Бахтнинг ўзи қаршимда турар.

Кизим боласини бағрига босиб
Келганда, уйларим нурларга тўлар
Баъзи андуҳларни дорларга осиб
Бу дегани остонамда бахт кулар.

Ёнимда эш бўлди, уйимга чирой
Ширин бир тақдирнинг чироғи ёниб
Келиним таъзимла узатганда чой
Буларни бахт десам арзир қувониб.

Адоватлар мағлуб йиғлар пойимда
Оллоҳим қўллайди, ижодим қайноқ
Ҳурматга қўмилиб борган жойимда
Яшаяпман, демак, бахт менга ҳамроҳ.

Мухлисларим бир ён, шогирдлар бир ён
Жонажон мактабим интиқ йўлимга
Оналигим шони ўзи бир жаҳон
Яратган тутқазмиш бахтни қўлимга.



Яшайман бир нурли замин қўйнида
Имконим қўлимда, оллоҳ дилимда
Неварам кулади қучиб бўйнимдан
Ҳа, бахт дегани мўл умр йўлимда.



НЕВАРАМ АКБАРЖОННИ ЭРКАЛАБ

Кутгандим сени мушток
Оллоҳ берган овунчок
Ушалган армонимсан
Жонимга дармонимсан.
Кўнглимнинг шамчироғи
Оҳ, кўзимнинг қароғи
Чопқиллаган тойчоғим
Кўзчалари мунчоғим.
Эркалансанг ярашар
Тоғанг, холанг талашар
Қоқиласан, турасан
Қиқир-қиқир куласан.
Ўйимизга сен чирой
Қилиқларинг ёқимтой
Юзларинг лўппи ширмон
Ширингинам Акбаржон.
Ўйинчоғи кўп бола
Ўйинлари тўп бола
Алла айтай қулоқ сол.
Дўмбоққинам, ором ол.
Ухла тинглаб эртагим
Эрта тонгдан эрмагим
Ўсиб катта одам бўл
Тилаганим ойдин йўл
Онангга бўл меҳрибон
Она юртингга қалқон.



ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Савлатдор чўққилар нурайди
Баҳайбат чинорлар кулайди
Кўз очганда янги булоқлар
Кўмилади эски ирмоқлар
Шон-шуҳрат, амаллар ўтади
Давлатинг ҳам қўлдан кетади
Тожу тахтлар қанчаси ўтди
Не-не шоҳлар имкони кетди
Сақлаб бўлмас ёшлик чоғларни
Хазон қоплар бир кун боғларни
Тақдирга тан беришни ўрган
Дунёда не абадий турган.
Ҳамма нарса экан ўткинчи
Бахтли умр - қалбим ўтинчи
Шундай экан фоний дунёда
Яшагим бор бўлиб зиёда
Порлаб турса қалбимда куёш
Меҳрим қаршисида лол оташ
Зиё қатларидан инжулар териб
Қалб кўримни дўстларга бериб
Эзгуликдан қуриб ҳайқаллар,
Ҳаётимга берсам сайқаллар.
Шукроналар дилдан жой олсин
Нурли излар ортимда қолсин.
Мен маррани забт этган чоғда
Армонларим қолсинлар доғда
Ҳаёт огин қамчилар, шошил
Покиза руҳ билан, бедор дил
Соат чиқиллайди, умр ғанимат
Юрак дукуллайди, жон ҳам омонат.



ШЕЪРЛАРИМ ҚОЛАР



Сўнади бир куни қалбимда вулкон
Совир томиримда қайнаб турган қон
Бироқ мени сақлаб бағрида омон
Шеърларим қолар.

Қайси гумроҳ юрар шаънимни булғаб,
Кимдир эслар балки шунчаки йиғлаб
Шунда изларимни нурларга чулғаб
Шеърларим қолар.

Ўлади, туғилар қанча инсонлар
Ўтаверар ҳали кўплаб замонлар
Мен ҳақимда айтиб яхши дostonлар
Шеърларим қолар.

Ижодим бор бўлсин, удир керагим,
Изим қолса дейман ортда - тилагим
Фақатгина унда уриб юрагим
Шеърларим қолар.

Қизим яшар ўз уйига интилиб
Ўғлим яшар жуфтани устун билиб
Ҳимоят номимни абадий қилиб
Шеърлар қолар.

Соғинганлар ўқир китобларимни
Уларга жойладим савобларимни
Қалбларга улашиб хитобларимни
Шеърларим қолар.

